

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида спортнинг кураш тури бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. 16 февралда содир этилган терроризм қурбонлари хотирасига бағишланган ушбу мусобақада Япония, Монголия ва Ўзбекистоннинг номдор полковлари — жаҳон ва олимпиада, Осиё уйинлари чемпиони узаро беллашдилар.

Бобо САРОЙ

Янги фильм тақдироти

Республика Киночилар уйида «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида» илмий-публицистик фильми миллий лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа юртбошимиз ана шу номдаги асарининг экрандаги талқинидир. Фильмда ўзбек халқининг ўз йўлбошчиси раҳнамолигида мустақилликнинг етти йили давомида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлари, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тинмай ортиб бораётгани, келажак режаларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм ўн икки сериядан иборат бўлиши режалаштирилган. Тақдиротда унинг «Маънавий поклашиш йўлида» ҳамда «Экологик хавфсизлик ва табиатдан оқилона фойдаланиш маданияти» номли дастлабки икки серияси намойиш этилди.

(У.А)

Қарши тарихи тикланади

Қарши шаҳри тарихини биров 2250 йилга, биров Ундан ҳам теран мезий-га тақалади, деб ҳисоблайди. Аммо бунинг илмий исботлаш лозим. Қарши шаҳар ҳокимлиги хузурида «Қарши-Новтоқ» ҳайрия жамияти тузилиб, фаол иш олиб бораётган Шаҳар раҳбари яратиб буйича танлов эълон қилинган. Қаршининг Ўрта Осиё тарихи, шаҳарсозлигида тутган ўрни ҳақида илмий анжуман ўтказиш мўлжалланмоқда. Шаҳар кўрғони деворларининг бир қисмини тиклаш ишлари кетаяпти. Узунлиги 130, эни 6, баландлиги 12,5 метр девор бўлади бу. Эски шаҳар марказини тиклаш, унинг тарихини оидинлаштириш ишлари ҳам кенг қўламда давом эттирилади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўйбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида,

«Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттириш пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камидан ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсиясини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

2. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 март

Ватанни севмак иймондандур!


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 18 март, пайшанба • № 33-34 (24.429).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент ҳузурида қабул



Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТўРАЕВ (У.А) огаан сурат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 март кунин БМТ Бош қотибнинг Афғонистондаги махсус вакили Лаҳдар Браҳимини қабул қилди. Учрашувда асосий эътибор Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалаларига қаратилди.

Қўпаяётгани, Афғонистон замининда тинчликни қарор топтиришга янада изчиллик билан киришилаётганини келтириш мумкин. Дарҳақиқат, Афғонистонда қарийб йигирма йилдан буён давом этаётган қуролли тўқнашулар ҳозиргидек долзарблик касб этмаган эди. БМТ, «6+2» гуруҳининг ташаббуси билан Ашхобод шаҳрида «Шимол-иттифоқ» билан «Толибон» вакилларининг мулоқоти ўтказилди. Унда томонлар қуролли қарама-қаршиликларга чек қўйиш истагини

билдирди. Бу ўзгаришларда Ўзбекистоннинг ўрни беқийс эканини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, мамлакатимиз Президентини Ислом Каримов биринчи бор БМТ минбаридан туриб жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини Афғонистон можабурисига қаратган эди. Афғонистонга қўшни олти давлат ҳамда Россия ва АҚШ вакилларидан иборат «6+2» гуруҳининг ташкил этилиши ҳам Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган ташаббуслар мўҳим ўрин тутди. Учрашувда «6+2» гуруҳи

томонидан тайёрланаётган Тошкент декларациясининг лойиҳаси муҳокама қилинди, шунингдек, Туркменистон пойтахтида бўлган музокаралар якунлари қўриб чиқилди. Қабул маросимида ташкил ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Файзуллаев иштирок этди. Қабулда БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари вазифасини бажарувчи Э. Тиссериев ҳозир бўлди.

(У.А)

Чуқур ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Президент жаноблари! Тошкентда рўй берган ҳодисалар ва улар натижасида бир неча киши, шу жумладан, бизнинг Тошкентдаги доимий ваколатхонамиз ходими халок бўлгани ҳамда кўплаб инсонлар жараҳатлангани ҳақидаги хабардан чуқур қайғуга тушдим. Инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан, шахсан ўз номидан ва Халқаро валюта жамғармаси номидан ҳамдардлик билдиришга ҳамда жабранганларга тезроқ соғайиб кетишини тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром билан, Мишель КАМДЕССЮ, Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич! Ўзбекистон пойтахти Тошкентда 16 февралда бўлган фожиа муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига «Ўзбек-Бунг» қўшма корхонаси жамоаси самимий ҳамдардлик ва таъзия изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Бу террорчилик хужури мамлакатдаги барқарорликка ва шахсан Сиз, Президент жанобларига қарши қаратилган эди.

Бу хужури натижасида бегуноҳ инсонлар қурбон бўлгани гоёт ачинарлидир. Аммо аминимизки, бу воқеалар ўзбек халқининг юрагига гулгула сола олмайди ва Ўзбекистоннинг Сиз, Президент жаноблари раҳбарлигидаги сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлини ўзгартира олмайди.

Ўз номимиздан Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш қатъиятини ва шу орқали Ўзбекистон иқтисодини рағбатлантириш ва мустақамлашга ҳисса қўлиши ниятини билдираман.

Жаноб Президент, Сизга саломатлик ва узоқ умр, халқингизга янада фаровон ҳаёт тилашга ижозат бергайсиз.

Кристиан БЕЛЕ, «Ўзбек-Бунг» қўшма корхонаси бош директори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида

Оғир ишларда ишлаётган аёлларнинг даромадлари даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1999 йил 1 апрелдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 1-руйхатининг III қисмида ва 2-руйхатининг I қисмида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадида солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгилансин, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарорининг 1-банди мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларга нисбатан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси даромад солиғи мазкур қарорга мувофиқ тўғри ҳисоблаб чиқишлиши ва тўланиши устидан назоратни таъминласин.

4. Вазирликлар ва идоралар идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов ва Д. Фуломов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 март

Тўй либослари танлови

Наврўзга Қорақалпоғистонда ўзига хос ҳозирлик қилинмоқда. Турли мавзуларда қўриқ-танловлар уюштирилмоқда. Хусусан, Нукусда тўй либослари қўриқ-танловини уюштириш кўпчиликлари қизил қўйи уйғотди. Танловни Қорақалпоғистон хотин-қизлар қўмитаси билан республика «Маҳалла» жамғармаси уюштирди. Нукусдаги «Ой-сўз» кичик фирмаси тикувчилари танлов ғолиби бўлишди.

«Маржонгўл» фирмаси билан Тақийа шаҳар тикувчилари тайёрлаган либослар ҳам юқори баҳоланди.

Рейс-бой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Соврин соҳиблари

Айём арафасида Самарқанд вилояти ҳокимлиги таъсис этган Моҳларойим — Нодирабегим номидаги мукофот турли соҳанинг бир гуруҳ фаолларига топширилди. Улар орасида Нурубол туманидаги «Жом» ижара ҳужалигидаги пиллачилик звероно бошлиғи Ойлар Ахматава, Кўшработ туманидаги «Тоғаймурод» деҳқон-фермер ҳўжалиғи раиси Нобат Тоштемирова, Челек туманидаги уй бекаси Саодат Нориевалар бор.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мухон Билекеев ҳамма хамкасблари қатори оддий бир ўқитувчи, эрталаб ўқиш бошланганига роппароса ўн дақиқа қолганида велосипедда мактаб ҳовлисига кириб келаётган бўлади.

Кўпчилик велосипед рулида уроғлик қозғоқ — хамкасблари аномлашадими, Мухон яна янги кўргазмали қурол ясаган. Унинг ўқитиш услуби, кўргазмали қуроллари ўзи ишлаётган К.Нурумбетов номи уюшмадаги Тўқсобинов номи мактабдагина эмас, Туртқул тумани мактабларида ҳам намуна қилиб кўрсатилмоқда. «Ўз устида ишлаб, тинмай билимини оширишга, ўқувчилари билан қўшимча шуғуллинишга дом улгуради-я», дейишди хамкасблари хавас билан.

Мухон бошқа қойилмақом ишларга ҳам улгурадики, буни биров билиб, биров билмайди. Улар ҳақда кейинроқ... Гоҳо, Мухоннинг акаси Сабит, лъиними, Енбошқалъа овул фуқаролари йигини раиси (К. Нурумбетов номи хўжалик ўша йигини худудда жойлашган), — Бугун ёрдам пули

Муносабат

70-80 сўм иш ҳақи олган. Уларнинг ўрнига эса, ҳартугул, ишлайдиган одамлар топилган. Ғуз ўтоғими, тамом, тумандаги йиллар олдин уюшмага раҳбарлик қилган кишини яна қайтадан қўйишди. — Ох, авваллари бир ойлик маошга битта костюм...

барча идоралар эшиги така-так бекилган, ёмғир ёғиб қатқалоқ бўлдики, — яна қўриққа. Терим мавсумида ишчиларини ёлпасига далага олиб чиқмаган раҳбар — ватанпарвар эмас...

Утган йил уюшмада гектаридан аранг 3,9 центнер пахта ҳосили кўтарилди. Шароит ёмон эмас. Ер, сув бор. Табиий газ пориллаб ёниб турибди. Гап раҳбарларда, деса, йўқ, тез-тез раисни ҳам алмаштириб туришибди. Ҳатто яқинда бундан қў...

Маошга ўрганмаган одам

ни 120 мингга сотдим, қани энди ҳисоб-китоб қил. Маошга ўрганганинг нархлардан бийонидек хабари бор экан, «яхшироғидан 24 та костюм-шима ёки шунча гилам», деди...

— Атрофимизда нима кўп, явлар кўп, қамиш кўп кўп, мол боқсанг ки қўлингизни ушлади, нега томорқангиз янтоқ босиб ётибди, — деди Мухон.

Агар тушунган бўлсангиз, Мухоннинг яна бир иши — мол боқди, қўраси қўй-қўзи, сизир-новосга тўла. Иккита соғин сизир туфайли...

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

сўм компаниянинг маблағи олинди. Бу маблағга шакар олиниб, хўжаликларга асал ва мумга алмаштирилмоқда.

«Асал» уюшмаси раиси Т. САЙФУТДИНОВ

«Асал» уюшмаси билан 1998 йил 18 декабрда № 9315 рақамли контракт 20 тонна мумга тузилган бўлиб, май ойига-ша шу контрактни бажариш устида иш олиб борилмоқда. Бу контракт «фочер» усулида тузилган бўлиб, 6 миллион

«Асал деган билан оғиз чучимади»

1998 йил 31 декабрь кунин «Ўзбекистон овози» газетасида босилиб чиққан «Асал деган билан оғиз чучимади» мақоласида кўтарилган муаммолар республикада асарларчиликни ривожлантиришга қаратилган. Асарларчилик соҳаси чорвачилик каби ҳозирги

даврда жуда катта муаммоларга дуч келмоқда. Илгарилари бу соҳага ҳам имтиёзли қарзлар ҳам «Баққолик» идораларидан шакар тақсимот қилинар эди.

Эндиликда эса ҳар бир хўжалик ўзи етиштирган маҳсулотни ўзлари сотиб муаммоларини ҳам

Партия ҳаётидан

Вилоят кенгаши пленуми

Муҳокамада — долзарб масала

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг XVII пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгашининг биринчи қотиби Жалолидин Нуруллаев маъруза қилди.

Уғлим!
Уни бузилган, ҳаловати йўқолган одамдан бахтсиз кимса йўқ дунёда...

риб ухляпсан. Сенинг осуда ором олишинг мен учун бахт, бошқа ҳеч нарса керакмас...

налардан қалби яра халқнинг озуларини оёқ ости бўларди. Билмадим. Миллат деган тушунчани нечоқлик англайсан...

Публицист мўнабар

канда қилмоқчи бўлганлар ҳам ушлар. Буларнинг исми Ёзулик. Уларнинг келар йўли дўзахдан, борар йўли ҳам дўзах.

нингни қўриқлайсан. Шундагина Миллат бўласан. Ўз халқининг эрки учун жон берган азиз болаларининг руҳи шод бўлади.

қундан душманларимиз бизни кузата бошлади. Энг ёмони, ёғиллар ичимиздан топилиди. Иқтисодий таназзулга учраб, гадога айланганимизни кутдилар...

лашди — нима қилса, унинг шон-шавкати, куч-қудратини йўққа чиқармоқ мумкин. Охир-охираёт ёш ахлоқ фикрини, онгини захарлаш керак...

учун, халқни бахтиёр ва хур замонда яшаш учун тиниб-тинчимайган ўз йўлбўшимиз учун жонини беришга ҳам тайёр дадан. Ишон, мен ҳеч нарсадан қўрмайман...

Менинг Озодлигим, менинг Халқим, менинг Ватаним

Уғлим ва унинг жамаки тенгдошларига

сенинг барча тенгқурларингга. Эрталаб тонг отади... Сен мактабига жўнайсан. Мен истаймман: Сenga айтаётган сўзларимни барча тенгдошларинг эшитсин...

деб айтиб ўтган эрксевар бобуларимиз. Уша кунни миллат деган азим чинор илдизларига болта уриб, қуритмоқчи бўлдилар. Соддароқ қилиб тушунтирай: бундайлар аввалдан бор...

син... Шoir айтмоқчи, ёвларингга терс қарама. Қўрқоқлик қилма! Ёвга терс қараган муқомил эмасли! Огоҳ бўл. Бил. Орамизда ана шундай ифлослар бор...

жоати янада ортади. Халқнинг барқарорлигига ишончи яна бир бора ошади. Шу қийинчиликлар, шу азобларни беҳудага тортмаётганига тағинам амин бўлади...

қин берувчилар йўқ эмас эди. Хуллас, истиқлолимизнинг шарафини билмаган, қўришни истамаган миллат хоинлари шундай кунни кутавериб қўзи тешиди. Аксинча, Ўзбекистон йилдан-йилга ўсиб гуллаб-гүлрайверди, қаддини тиклаиверди...

бермаймиз. Улар бизнинг фарзандларимиз... Ҳа, болам! Президент сенинг тақдиринг, камолингни палидларнинг қўлига топшириб қўймайди. Бу истиқлол йўлида бирлашган ҳар бир қалбнинг даввати. Сенинг чарогон уй-хаёлларинг осмонда Озодлик қўши балқийди...

Болам, бироздан сўнг тонг отади. Қуёш чиқади. Сен мактабга шойшоласан. Мен эса ёзганларимни сен ўқишингни жуда-жуда хоҳлаб қўлемман. Китобларинг ёнига қўялман. Ва, сенинг осмондек кенга ва беғубор тасаввурингга менинг Озодлигим, менинг Ватаним, менинг Президентим...

Болам, истиқлол билан тенгдошсан. Ешинг саккизга етапти. Уттизини қаршилаган дадан уруш нима эканлигини англайди. Тинчлик учун, сенинг ёруғ қўнларинг

Меҳр кўргазиб, меҳр топайлик



Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 21-сонли «Меҳрибонлик уйи» да ўтказилган тадбир ишончи оқибат тисмолаша айланди. Бу масканга кўп йиллардан буён «Бухоротекс» ҳиссасдорлик жамаияти ёрдам кўрсатиб келади...

Шу кунларда бепоеён галлазорларда бўлсангиз, барқ уриб ривожланиётган кўм-кўк майсаларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бу халқимизнинг ризқ-рўзи. Лекин минг афсуски, ана шу ризқимиз бўлган галла майдонларига молларини ҳайдаб, уни пайҳон қиладиган шахслар ҳам баъзан учрайди...

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

Шу билан бирга «Истиқлол» ҳўжалиги раиси Раҳмонов Ҳасан ва «Гулзор» фуқаролар йиғини раиси Пардаев Рўзимуродларга ҳам ўз эгаллаб турган вазибаларига бепарволиги туфайли бу жиноят содир этилганлиги ундириш ҳақида туман судига даъво аризаси киритилди...

қуловларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди. Лекин таҳлиллар ва аниқланган ҳолатлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда пайҳонгарчиликка қарши фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларгина шуғулланмоқда, ҳолос. Фуқаролар кенгашлари ва ҳўжалик раҳбарлари ҳамда ҳокимият органлари томонидан биронта ҳам пайҳонгарчилик аниқланмаган, унинг олдини олиш учун аниқ чора ва тадбирлар кўрилмаган...



Қашқадарёнинг Толлимаржон кенгликларига Урта Осиёда энг йирик — Толлимаржон ГРЭСи қад ростламоқда. Мазкур қурилиш «Толлимаржон-ГРЭС қурилиш» трести бўёқкорлари томонидан амалга оширилган. Бу устан шидо ўнаиб хоржиёй йирик қурилиш ташкилотлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Жумладан, Москва шаҳридаги «Мосэнергоштаб» трести қурувчилари биринчи энергоблок қурилишида мураккаб монтаж ишларини бажаришган.

Хан сулоласи ҳўқмдори У-диннинг саройи. Оқшом тушиб қолган. У-диннинг хаёли шимолчи-шаққ чегараларини муштахаллаш билан банд. Неча йилдирки, чегара нотинч... У-диннинг хузурига вазир кириб, айбдор боладай томоқ кириб олди-да, сўз бошлади: — Император ҳазратлари! Чжон Кян қайтиб келибди. Хузурингизга кирмоқ ниятида. Вазир гагини тугатмасданок У-ди амр берди: — Айт, кирсин!

бағри кенг, меҳмонни гоат улуғлашди. Самимий, ростгўй, мунофиқлик ва ёлгон — энг ёмон кўргани. Шол, бугдой экади, ерга ишлов беришда мохир, ўтроқ хаёт кечиради. Мусалласлари билан машур. Айтишларича, улардаги самовий отлар бошқа бирон юртда йўқ экан. Етмишта катта-кичик шаҳарлари бор. Аҳолиси бир неча юз минг кишидан иборат. Эркагу аёли от устида жанг қилишга мохир. Уқ-ёй ва найза билан жанг қиладилар. Даванинг шимолда Кангли, гарбда Катта Юэчки, Катта Юэчкининг гарбда Анши, Даванинг жануби гарбда Дахлар юрти бор. Одамлари Тангрига сиғинишади...

далил ёзувдир. Ўтроқ хаёт кечирадиган, ҳар жихатдан қудратли давлатда ёзув маданияти шаклланиши мумкин эмасди. Шу ўринда яна бир далил келтиришни мақсадга мувофиқ деб билардим. Чжон Кян Хан Императорига кўрган-кечирганларини баён қилар экан, «Давандан бошлаб гарбда Аншигача турли тилларда гапиретишди, лекин расм одатларида ўхшашликлар бор, гаплашганларда бир-бирларини тушунадилар» дейди. (Бичурин, Урта Осиёда қадимда яшаган халқлар тўғрисида маълумотлар, 1950, 11 жилд, 161-бет) Даванинг гарб томони Самарқанду Бухорода бўлган жойлар. «Бир-бирини тушунадилар» тил қадимги туркий тилининг лаҳжаларидир. Бу қадимги фикрини мен ўйлаб чиқарганим йўқ, балки Н. Я. Бичуриннинг китоби изохларини туганган В. Бернштам ва С. Н. Толстовлар айтган.

Тарих — миллат кўзгуси








миз. Қувдан туркий битикнинг илк намунаси 1964 йили археолог олма Булатова томонидан топилиган эди. Лекин мазкур битикка ўз даврида етарли даражада эътибор берилмади. Чунки тарихий-маданий жараёни белгилашда ёзув асосий омилидан бири бўлиши шубҳасиз эди. Битик ўн битта белгидан иборат. Яъни ёзилган ҳум парчаси зарарланган учун битикнинг бошланғич ва охири йўқ. Шу боисдан мазкур ёзувда 1996-1998 йиллари топилиган Явта битиклари сингари яхлит мазмун бор, деган фикрни айтишга эрта.

битикларни таҳлил қилиш жараёнида асосга келган ҳулосалар юзасида иш қўриладиган бўлса, бу белги тўғрисида аниқроқ бир фикрни айтиш мумкин. Енисей, Талас туркий битикларида белгиларни тескари ёзиш ҳолатларига дуч келамиз. Нафақат белгилар, ҳатто сатрлар тескари ёзилган ҳолатлар ҳам учрайдики, бу ҳолат қадимги туркий ёзувлар учун қонуний ҳол эмас, балки ёзув хусусияти билан алоқадор. Битикнинг ҳар бир белгисини таҳлил қилишга ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, (Бод) Уна Кок Араны Ана К (Алты?) деб ўқидик. Хозирги ўзбекча мазмунни қуйидагича бўлади: «...Халқига илохий Арани она к (елди?)»

тиклаш мумкин. Битик Бодун сўзи билан бошланади деб айтиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, дастлабки икки белги Бодун сўзининг охириги иккита белгисидир. Қадимги туркий битиклар устида узоқ йиллар олиб борган кузатишларимиздан шу нарса аён бўладики, Бодун сўзи албатта Турк сўзи билан бирга келади. Турк Бодун — бугунги туркий халқларнинг ота-боболари демакдир.

фарзандлардир. Фазовий жисмлар билан бирга, КўК ранг тушунаси мўҳим аҳамиятга эга. КўК рангининг илохий маъноси аслида Қуёшга эътиқод қилишдан пайдо бўлган. Аждодаларимизнинг қачон ва қай тарзда эътиқод қилганларини шарҳлаб ўтиришга ҳолат йўқ деб ўйлайман. Шомонлик таълимотида биоан, кўк рангдаги ҳар қандай жисм ёки жой кўк рангли бўлса, ота-боболаримиз мўқаддас ҳисобланган. Қадимги туркий қавмлар кўк турқлар деб илохий қавм сифатида талқин қилинган, нуфузи Ашин уруғининг пайдо бўлиши кўк бўрига боғланган тўғрисидаги ривоятлар ҳам шундан далолат беради. Биз киши исми сифатида талқин қилётган АРАНИ ҳам аждодаларимиз исломдан олдин мўқаддас деб қараган шахслардан бўлиши мумкин. Дарвоқе, қадимги туркийларда мўқаддас тисмолар учрайди. Оналар ва болаларни мўқаддас этувчи ҳудо Умай мўқаддас, ер-сув, тоғ ва ўрмон руҳи мўқаддас дейилиши шулар жумласидандир.



«КУВАМЕБЕЛЬ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Ҳаёт адабийлигининг, табиатнинг
устувор қудрати ва саховатининг, шу билан
бирга халқимизнинг неча минг йиллик миллий
қийфасининг, урф-одатларининг мангулик
ифодаси, тимсоли — қадимий айём

Наврӯзи олам

юртимизга кириб келгани билан бутун
Ўзбекистон халқини табриклайди!
Наврӯз — ҳаёт ва тинчлик байрами.
Эзгу орзулар ва умидлар байрамидир!
Айёмингиз муборак бўлсин, азиз
юртдошлар!

Кува мебелни кириб борган ҳар бир хонадон
файзли ва жозибалидир.

Биз ишлаб чиқарайткан, жаҳон андозларига
мос таҳсилотлар Сизга ҳамisha байрамона
қайфият бахш этади!

«Кувамебель»
ҳиссадорлик жамияти

«АПКО ЛАЗЗАТ»

**қандолат ишлаб чиқариш корхонаси акционерлик
жамияти жамоаси**

Мамлакатимиз халқини

Наврўз байрами билан чин юракдан табриклайди!

Аёллар йилида бизнинг лаззатли маҳсулотларимиз

хотин-қизлар ёзадиган

дастурхонларга файз-барака киритади.

Мақсадимиз очиқ дастурхонларни ҳамisha серфайз қилиш.

Юртимиз аҳолисини ажойиб айём билан кутлар эканмиз,
ҳар бир хонадонга тинчлик, осойишталик ва битмас-туганмас бахт
тилаймиз. Дастурхонингиз тўкин-сочин,
ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Навоий вилояти электр тармоқлари корхонаси

ходимлари

юртимизга

кириб келаётган

Наврўз —

баҳор байрами

билан барча

ватандош-

ларимизни

чин

қалбдан

табриклайди.

Навоий вилояти
электр тармоқлари корхонаси

Нуронийлар эъзози

«Нуроний» жамғармаси Андижон шаҳар бўлими Наврўз тантанаси муносабати билан отахон ва онахонларни йўқлади. Даврага йиғилган кексаларни «Нуроний» жамғармаси Андижон шаҳар бўлимининг раиси С. Шокаримов айём билан кутлади. Кексалар юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорлик учун шукрона айтдилар, юртбошимизни дуо қилдилар. Йиғилишда андижонлик 114 нафар отахон ва онахоннинг ҳар бирига минг сўмдан пул инъом этилди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Кўклам - меҳнат билан кўркам

Галлаорол туманидаги «Лалмикор» нефть маҳсулотлари корхонаси Наврўзни муносиб меҳнат самаралари билан қаршилашмоқда. Улар айём арафасида агрофни кўкаламзорлаштириш мақсадида минглаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздилар, ободонлаштириш ишларига қарашдилар. «Корхонамизда гўё Наврўз табасуми бордек, — деди жамоа раҳбари Баҳодир Назаров — Буюртмачиларга нефть маҳсулотларини муддатда етказиб бериш билан ҳолат чиқаряпмиз. Кўп қатори биз ҳам сумалак, ҳалим ва бошқа неъматларни тайёрлаб, ишчи-хизматчиларимиз кўнглини хушлашга ҳозирлиниб туриб-миз».

Пардабой ТОЖИБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

«Ўзавтотранс» давлат

акционерлик корпорациясига қаршили Китоб ҳиссалорлик жамиятининг 30 йиллик тўйи Наврўз тантаналарига улашиб кетди. Автокорхона 1969 йили ташкил қилинганди. Ушанда корхонада бор-йўғи 42 та машина бўлган. Ўтган йиллар мобайнида

Лайёмга тўй уланди

қудратли транспорт воситаларига эга бўлган корхона Толимаржон, Ҳисорак сув омборлари каби қурилишларда қатнашди, миллионлаб тонна юкларни манзилларига етказди. Туман аҳолисига транспорт хизмати кўрсатди. Наврўз

ва корхонанинг тўйи муносабати билан ёзилган дастурхон агрофида туман ҳокимлиги ва «Қашқадарётранс» акциядорлик бирлашмаси вакиллари ҳам тўпланишди. Илгорларга эсдалик совғалари

топширилди. Тантангага таклиф қилинган автокорхона ҳомийлигидаги 7-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари табригида ҳам эзу тилаклар мужассам эди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

«Фарҳод бозори» очиқ акционерлик жамияти акционерлари диққатига!
1999 йил 19 апрелда соат 16-00 да Акмал Икромов тумани 12-мавзе, 21-уйда «Фарҳод бозори» очиқ акционерлик жамияти акционерларининг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилади

Кун тартиби:

1. Жамиятнинг 1998 йил якуни бўйича молиявий ҳужжат ҳисоботи ва 1999 йил иш режалари тўғрисида.
2. Аудит текширув ҳулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 1998 йил балансани тасдиқлаш тўғрисида.

4. 1999 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида.

5. Жамият аудитини тасдиқлаш.
6. Дўконлар ва савдо жойларини ижарага бериш тўғрисида.
7. Жамиятга қарали бўлган ярмарка идораси бизнеси қийматини ва уни жамият тасарруфидан чиқаришни тасдиқлаш.
8. Қузатув кенгаши аҳолига янги номзодларни сайлаш.

«Фарҳод бозори» очиқ акционерлик жамиятининг 1998 йилги баланси

АКТИВ	ПАССИВ
Бошланғич қайта тиклаш — 6093,6	Устав капиталли — 7785,9
Эскириш — 793,9	Резерв капиталли — 3967,1
Қолдиқ қиймат — 5299,7	Тақсимланмаган фойда — 1733,9
Капитал қўйилмалар — 90,0	1-бўлим бўйича жами — 10019,1
Бўлим бўйича жами — 5389,7	Мол етказиб бериувчилар — 278,2
Ишлаб чиқариш захиралари — 271,3	Бюджет бўйича қарзлар — 60,8
Олиб сотиладиган товарлар — 2658,1	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар — 193,5
Келгуси давр сарфлари — 66,8	Ижтимоий суғурта на таъминот бўйича қарзлар — 182,4
Пул маблағлари — 1009,8	
Дебиторлар — 225,1	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар — 206,7
Аванс тўловлари — 187,5	
Ходимлар билан ҳисоблашчилар — 1,7	Бошқа кредитдорлар — 3779,6
Уюшма корхоналари билан ҳисоблашчилар — 3324,9	II-бўлим бўйича жами — 4701,2
Таъинчилар билан ҳисоблашчилар — 100,0	
Бошқа дебиторлар — 1485,4	
Бўлим бўйича жами — 9330,6	
Баланснинг активи бўйича ЖАМИ — 14720,3	Баланснинг пасиви бўйича ЖАМИ — 14720,3

Акционерларнинг рўйхати олин 19 апрель куни соат 15-00 да «Фарҳод бозори» мўъриятида бошланган. Мажлисда қатнашган ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати акционерлар респотришинг 1999 йил 15 март ҳолатига кўра тузилган.

Акционерларнинг рўйхатга олин манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани Фарҳод кўчаси 12-мавзе, 21-уй, 39 хона.
Мажлиси тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 1999 йил 14 апрелдан бошлаб танишиш мумкин.

Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин!

«ЎЗЭЛЛАС»

қўшма корхонаси

Бутун Ўзбекистон халқини
Наврўз айёми билан муборакбод этади!



Мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ислохотларга «ЎЗЭЛЛАС» қўшма корхоналари ҳам муносиб улуш қўшаверади.

*Маҳсулотнинг сифатига эътибор қаратиб,
сонини кўпайтириб бораверади.*

*Хорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда, ўз ички имкониятларимиз —
ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатини яхшилаш йўлида,
маҳсулот турини кўпайтириб боришда ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.*

Жорий йилни Президентимиз Аёллар йили деб эълон қилганлар.

*Шундай экан, Наврўз нафаси кезиб юрган юртимизда
муҳаббат, меҳр ва вафо тантана қилсин!*

*Қўшма корхонамиз жамоаларида тайёрланаётган барча турдаги
маҳсулотлар фаровон турмуш тарзимизга, дастурхонлар
тўкинлигига, мамлакатимиз иқтисодини янада
юксалтиришга хизмат қилгай.*

«ЎЗЭЛЛАС» қўшма корхонаси жамоаси



«Комсар»

очик ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Серкуёш Ўзбекистон халқини баҳор, ёшлик ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан қизгин ва самимий муборакбод этади!

Азал-азалдан қадимий ва навқирон Наврўз тинчлик, дўстлик, аҳиллик ҳамда барака рамзи бўлиб келган. Эеро, Наврўз йилнинг бошланиши экан, шу кун қандай тантанали ва тўкин бошланса, йил охири ҳам шундай бўлади. Шу боис ҳам мўътабар онахонларимизу пиру-бадавлат отахонларимиз дуога қўл очиб, деҳқоннинг ҳосилига, ёшларнинг умрига барака тилайдилар.

Биз ҳам Ўзбекистон халқини муборак байрам билан қутлаймиз. Мамлакатимиз осмони ҳамisha тинч бўлсин! Барча юртдошларимизга омад, шодлик, бахт, тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик доимий ҳамроҳ бўлсин!



«ОСИЁ-ВЕСТ»

— OSIO —
WEST

«Осиё-Вест»

**Ўзбекистон-Германия-Исроил
қўшма корхонаси**

Тинчликсевар Ўзбекистон халқини баҳор ва бахт, шодлик ва навқиронлик байрами Наврўз билан табриклар экан, серкуёш ўлкадаги ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда осойишталик, хотиржамлик ва барқарорлик бўлишини тилайди. Хонадонлардан фаровонлик, қут-барака ва тўкин-сочинлик аримасин! Ёнг муҳими, шу юртнинг бебаҳо бойлиги — инсонлар соғ-саломат ва бардам бўлисин!

UZMAL
OIL

«Ўзмалойл»

**Ўзбекистон-Малайзия
қўшма корхонаси**

Муборак кун—Наврўз айёми билан бутун ўзбек халқини табриклайди. Бундай байрамлар барқарор ва осойишта диёрга ярашади. Ҳадемай янграйдиган карнай-сурнай, чилдирмаю ноғоралар садоси шундан дарак беради. Яқин келажакда Ўзбекистон тараққий топган давлатлар қаторига қўшилишига биз ҳам аминмиз. Баҳор байрами арафасида табрик йўллар эканмиз, юртдошларимизга омонлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

«КЎМИР»

ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Барча юрtdoшларимизни
меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами —
Наврўз муносабати билан қутлайди.
Шахталарда меҳнат қилаётган кўмир
конларининг азаматлари мамлакатимизнинг
ёқилғи-энергетика базасини
мустаҳкамлаш учун ғайрат камарини белга
маҳкам боғлаб тер тўкмоқдалар.*

*Улар юртимизда иқтисодий ислохотларни амалга
оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.*

*Ниятимиз — ҳар бир хонадондан илиқлик,
ёруғлик, аҳиллик йироқлашмасин.*

*Халқимизни баҳор байрами
билан табриклаймиз. Юртимизда ҳамиша
тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин!
Оилалардан қут-барака, аҳиллик ва
фаровонлик кўтарилмасин!*

«Янгийўл Ё-МОЙ» ҳиссadorлик жамияти жамoаси

**Ватанимизда истиқомат қилаётган
барча фуқароларни баҳор, гўзаллик, яшнаш ва
яшариш байрами — Наврўзи олам билан қизгин
муборақбод этади!**

Биз ушбу байрамга ўз меҳнат муваффақиятларимиз билан келдик.
Халқимиз дастурхонига йил давомида кўплаб сифатли маҳсулотлар
етказиб бердик. Янги цехлар бунёд этдик ва маҳсулот турларини
кўпайтириб боряпмиз. Буларнинг барчаси юртимизнинг
равнақи йўлида қилинган ишлардир.

Халқимизни байрам билан табриклар эканмиз, юртимизда
ҳамиша тинчлик, осойишталик бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳар бир хонадондан қут-барака аримасин!



Яна завоқил кунларга етиб келдик. Яна ўйингоҳларда ишқибозларнинг олқини ҳайқирчилари янрайдиган дамлар бошланмоқда. Бугун мамлакатнинг саккиз шаҳрида саккизинчи миллий чемпионатнинг дастлабки учрашувлари ўтказилди. Футбол миллионларга кайфият бағишлаш омилидир. Катта футболчилик эса бу сафар янада қувончбахш ва орзуаманг тушларга бой, ҳужумкор ва бетакрор воқеалар шукҳида ўтиши кутилмоқда. Юртимизда футболнинг оммавийлиги тобора ортаб бораётган бир жараёнда олий лига жамоалари, уларнинг ўринбосарлари ҳам мавсумга нисбатан тайёргарлик кўришган. Футболчиликнинг халқаро нуфузи, миллий терма жамоаларимиздаги аҳоли ҳам ўзгача. Келинг, яхшии бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси бош котиви Зокиржон ҚУРБОНОВнинг сўзларини эътиборингизга ҳавола қилайлик.

майдонларида ўтказишга мажбур бўлар, ўртоқлик учрашувлари билан қанотланардилар. Энди эса хорижий майдонларда, янгича шароит ва ўзгача талаблар асосида машқларини ошириб, учрашувларда тажриба орттириш имкониятларига эга бўлишди. Мисол учун 7-8 жамоа БАА, Малайзия, Греция, Туркия ва Германия сафарларида бўлди.

Ҳозирча олий лига клубларининг 65 фоизи иқтисодий, яъни молия-



билан боғлиқ. Мамлакатда футбол қанчалик оммавий тус олса маҳоратли ўшларнинг «бодраси» ҳам шунга яраша бўлади.

Яна бир гап — профессионал клублар иқтисодий жиҳатдан муҳтож бўлмаган бир пайтда яна бир камчилик юзага келган кўринади. У ҳам бўлса, клублар ҳисобида ҳомийлар саҳавати билан жамланган маблағнинг ҳаракатсиз қолаётганидир. Агар клублар қоши-

«Плейтер-Орзу» қўшма корхонасида спорт туғлари ишлаб чиқаришмоқда. Вилоятларда лицей мактаблар тартидаги футболга ихтисослашган ўқув даргоҳларининг ташкил этилаётгани ҳам қувончлидир. Жами 14 та мактабнинг ҳар бирида 80-140 нафардан бола тўп тепиш ҳадисини олмоқда. Бугун эса Андижонда яна бир стадион фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон футболга халқаро эътибор ортмоқда. Хусусан, Осиё конфедерацияси юртимизда футболнинг барқарор ривожланиётганини ҳисобга олиб федерациямизни телевизор, видеомагнитофон, компьютер, нуска кучириш ускуналари билан мукофотлади. Шунингдек, Халқаро футбол федерацияси эса тўрт йилга мўлжаллаб бир миллион АҚШ доллари ажратди. Биз бу маблағнинг дастлабки 250 минг долларини шу йил олиб, уни болалар футболини ривожлантиришга, терма жамоаларимиз аҳолини янада яхшилашга сарфлаймиз.

Албатта, футболчиларимизнинг Осиё ўйинларида кўрсатган «қаромат»ларидан хулоса чиқариб, йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш, ўзбек футболининг обрўсини янада кўтариш йўлида саъй-ҳаракат қилаверамиз. Хотира ва кадрлар каби маънавий фазилатларга ҳам аҳамият бераёلمиз. Жумладан, «Пахтакор» — 79» воқеасига 20 йил бўлиши муносабати билан муҳим тадбирлар режаси ўйлаб кўйилган. Жамоаларимиз Осиё кубок эгалари ва чемпионлари кубоги учун бахсларда иштирок этмоқдалар. Олдимизда муҳим ва масъулиятли вазифа турибди. У ҳам бўлса, мамлакат олимпиада терма жамоасини саралаш учрашувларидаги муваффақиятли иштирокини таъминлаш. Мухлис-ларга аёнки, олимпиадаларимиз Хиндистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қозғистон жамоалари билан саралаш учрашувлари ўтказадилар. Шунингдек, миллий терма жамоаларимиз Осиё кубоги учун Ливанда ўтказиладиган мусобақага шайланмади. Бош жамоамиз бу гап БАА, Қирғизистон, Бангладеш, Шри Ланка жамоалари билан ўйнаб, финалга бериладиган ягона йўланма учун курашади. Ҳайайимизки, биринчи марта уюштирилган супер-


кубок — Мустақиллик кубоги учун мамлакат чемпионлари «Пахтакор» ва кубок соҳиб «Навбахор» жамоалари ўртасидаги учрашув ҳам мароқли бўлади. Кўриниб турибдики, ўзбек футбол мавқени янада сарбанд қилиш ўзимизга, яъни имкониятларимиздан етарли фойдаланишимизга боғлиқ. Мухлисларни бунинг бошланган футбол байрами билан қутлаб, уларга йил бўйи катта ўйиндан завқ-шавқ олишларини истаймиз.

Бу йил олий лигада 16, биринчисида 18 ва иккинчи лигада қарийб 200 жамоа майдонга тушади. Бу рақамлар юртимизда футболнинг катта имконияти борлигини дарақдир. Шунингдек, тўрт йил аввал бори йўли мобайлида 18 та республика миқёсидаги мусобақалар ўтказилган бўлса, бултур бу рақам 43 тага етгани қайд этилди. Футболчиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. 3 йил аввал жами 233 стадион бор деб ҳисобланарди. Бугунга келиб 6707 та чим бостирилган ўйингоҳ маълум.

Ҳайдар НОСИРОВ

Эзгулик нури йўлингизни ёритсин

Юртимизда баҳор нафаси уфуриб турибди. Одам ҳам, одам ҳам Наврўзи оламини қарши-лайпти. Янги туғилган чақалоқлар овози оламини тутмоқда. Ёшлар бугун Президент меҳрини яна ҳам яқинроқ ҳис этмоқдалар. Ҳамма Ватан олдидagi қора кучлар таҳдиддан огоҳ бўлиб қолган, юрт душманларига юракларда ғазаб ва нафрат тўлиб тошган кунларда «Мулоқот»нинг янги сони чиқди. Бу ҳам ёвуз қучларга, жаҳолатга қарам-қарши тура оладиган нур, ғоя, маърифатдир. Журналнинг 1999 йил 2-сон таниқли публицист Нарзулла Жураевнинг «Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сибсат» мақоласи билан очилади. Ушбу мақолада муаллиф миллат тарихини билишнинг аҳамиятига тўхталиб: «Инсоният тарихида кескин бурилиш ясаган, жаҳон цивилизациясига кучли таъсир ўтказган тафаккур кенгликларини, унинг таракқиёт жараёнларини ўрганишимиз зарур, — дейди. — Биз бугунги ва келгуси авлоднинг худди ана шундай йўл билан тарбиялашимиз даркор. Унинг воқеа ва ҳолисаларга муносабатини онги орқали ўтказишимиз керак. Токи ёши юракда ва мурғак тафаккурда тарих ҳақиқати абадий қолсин, уни эзгуликка даяват этиб турсин». Зеро, тарихни ўрганиш, ундан сабоқ олиш инсонларни эзгулик, меҳр-шафқат сари етаклайди. Маърифатли киши ҳеч қачон жоҳил бўла олмайди ва



«Мулоқот» саҳифаларида

бу зиё не-не одамларни ҳалокатдан соғ-омон сақлайди.

Хар қандай мамлакатда таракқиёт даражасини белгилувчи яна бир омил, Соли Урунов таъбирича «фуқаролик жамияти» тушунчасидир. Ҳеч шубҳасиз, зукко олимнинг «Инсониятнинг яхши яшаш бора-сидиги орзу-умидлари ХХ аср цивилизацияси туфайли рўёбга чиқа бошлаган, деган фикрига қўшилмасиз. Миллат қачон ва қандай шароитларда дунёвий таракқиётта юз тутуди. Бунинг учун халқ эксплуатациядан озод бўлмоғи, истиқлолни қўлга киритмоғи керак. Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эришган халқинга келажак сари дилда қадам ташлайди. «Миллатнинг қамолоти» мақоласида Усмон Қорабоев «Советлар даврида миллатларни сон жиҳатидан кўпайтириш тенденцияси ҳукм сурган, — деб ёзди. — Бироқ миллатларни сифат жиҳатдан ўсиб кетишига йўл кўйил-

маган. Нима учун? Чунки агар миллатнинг сифати ошиб кетса, у кучайиб, шўроларга бўйсунмай қўйиши мумкин эди. Уларга кўпсонли, бироқ бўйсунувчи «манкурт» халқ керак бўлган».

Дарвоқе, ўша йилларда раҳбарларга миллатлар қамолоти учун қайғуриш шарт эмас эди. Янги сонда эълон қилинган Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов қаламига мансуб «Қўҳақда Наврўзи»ни ўқиб, Наврўзнинг тарихи нақадар чуқур кетганига иймон келтириб, бу айёмни нишонлаш Алишер Навоий даврларида ҳам кенг тус олганига ишонч ҳосил қиламиз. Худди ушбу шеърини асарда ифода этилганидек, бугун юртимизда Наврўзи олам кезиб юрибди.

Бугун олам рўшно, юрт дилафрўзидир, Бугун кутлуғ айём, бугун Наврўзидир.

Мавзу жиҳатдан ҳам янги сондаги чиқишлар хилма-хил. Жумладан, журналист Нормўмин Очилов «Раҳбар маънавияти ва масъулияти» ҳақида сўз юритса, Саид Алимов фикрлари халқимизнинг ор-номуси, миллий ғурури ва юрт баҳодирлари жасоратини улуғловчи маданий меросимиз «Алпомишга бағишланади. Бу сонда ҳам ҳар галлик тарихий мавзуларга кенг ўрин берилган. Чунки тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади. Ёш олим Нусратулла Жумаҳўжа тарихга мурожаат этиб, Жаҳон Отин — Увайсий шеъринини ўзига хос тарзда тасвирлаган бўлса, Ғайрат Кароматов «Диний экстремизм — хавфсизликка таҳдидир» дея ташвишлиниб ёзди.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Бугун мамлакат футбол миллий чемпионати байроғи кўтарилади

вий жиҳатдан муаммоларни ҳал қилишган. Энди улар қандайдир маблағ илтиҳоди излашни ёки қуруқ ваъдаларга берилишмайди. Футболчиларнинг маошлари, керакли мукофотлари вақтида ва тегишлина амалга оширилмоқда. Зеро, бу бордада қилинадиган ишлар ҳам йўқ эмас. Айтилик, ҳар бир клубнинг ўз юзига эга бўлиши, футболчиларни кийинтириш, таъминоти, рамзлари, маънавий ва моддий рағбати масаласида халқаро андозаларга чиқиши тақозо этилади. Сабаб, халқаро тахрибалардан маълумки, аксарият клубларнинг ашаддий мухлисларини, ҳатто ўша ўзлари севган жамоа йўнчилари қиёфасида кўриш йўлга қўйилган. Бундай ўзига хослик, ажралиб туриш шакланган сайин клубда руҳ ва кайфият, ҳаракат ҳам ўзгача бўлади, унинг самараси ҳам шунга яраша юзга чиқади.

Профессионал клуб аъзосининг фахри шундаки, энди у футболни ўзига касб қилиб олган. Унинг ҳаёт йўли, тирикчилиги, қолаверса, келажаги ҳам шу йўлда давом этади. Таъбир жоиз бўлса, рамзий маънода футболчининг умри қисқа дейишди. Гап шундаки, ҳар қандай футболчи кўпи билан 30-35 ёшгача майдонда жавлон уриши мумкин. Агар у шу даврда ўзининг кимлигини, тўғрироғи маҳоратини иқтидорини намойиш этиб танилмаса, эл озгига тушмаса, бундай беҳуда умр на ўзига, на юртига наф келтиради. Мутахассисларнинг футболни истеъдодини олдидан белгилаш, унинг келажагини қандайдир баҳорат қилиши ҳам шундан бўлса керак. Уйлайманки, юртимизда бундай иқтидорларни тарбиялаш, аввало оммавийлик

моҳир ташкилотчи-воситачи ўрни белгиланса, бундай сармояни айлантириш билан кўпгина хайрли юмушларни амалга ошириш мумкин бўлади. Сўзсиз стадионларни мухлис-лар тўлдирини ҳаммамизга ҳам ёқди. Лекин уларни чорлаш ва кўпайтириш аввало ҳар бир жамоанинг мароқли ва мазмунли йўлини, ишқибозлар учун яратилган маданий-маиший шароит билан боғлиқдир. Хар қалай, мухлислик одобига риоя қилиш тақозо этилади. Агар ишқибозлар онгли равишда ўз жамоалари ёки йўнчиларига қўнчаллик қилишса, нур устига аъло нур бўларди. Хар бир ишқибоз йўнгоҳга келганда жамоалар учрашувида қайд этиладиган ҳисоб рақамлари-ю ва чиройли тўплар завқи билан кифояланмайди. У шунингдек, учрашуви байрамона кайфиятда кузатишни, бу билан бўш вақтини мароқли ўтказишни истайди. Ниятимиз эса мухлисларда шарқона босиқлик бўлсада, фанатларга сира йўл берилмаса.

Бу йил олий лигада 16, биринчисида 18 ва иккинчи лигада қарийб 200 жамоа майдонга тушади. Бу рақамлар юртимизда футболнинг катта имконияти борлигини дарақдир. Шунингдек, тўрт йил аввал бори йўли мобайлида 18 та республика миқёсидаги мусобақалар ўтказилган бўлса, бултур бу рақам 43 тага етгани қайд этилди. Футболчиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. 3 йил аввал жами 233 стадион бор деб ҳисобланарди. Бугунга келиб 6707 та чим бостирилган ўйингоҳ маълум.

Ҳайдар НОСИРОВ

«Ўзбекгазсувқурилиш»
Очқ турдаги акционерлик жамиятининг навбатдаги умумий йиғилиши (конференцияси)
1999 йил 19 май кунин соат 10⁰⁰ да ўтказилади.
Йиғилиш ОТАЖнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади

КУН ТАРТИБИ:
 1. Жамиятнинг 1998 йилдаги иш якуналари ва 1999 йил режалари тўғрисида.
 2. ОТАЖ Қузатув Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
 3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
 4. 1998 йилдаги фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тартибларини тасдиқлаш ҳақида.
 5. Бошқа масалалар.

Маълумот учун телефонлар: 53-63-25, 53-52-44, 53-52-21

ҚУЗАТУВ КЕНГАШИ

- Бош муҳаррир**
Азим СУЙОН
- Таҳрир ҳайъати**
 Абдулла ОРИПОВ
 Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
 Азиз НОСИРОВ
 Одижон ОЛИМЖОНОВ
 Ислам ШОГУЛОМОВ
 Салим АШУРОВ
 (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
 Норбобо ШАКАРОВ
 (бош муҳаррир ўринбосари)
 Андрей ОРЛОВ
 (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Ўзбекистана»)
 Алимкул СУЛТОНОВ
 (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
 Валерий ЛАБАРЕШНИХ
 (масъул котиб — «Голос Ўзбекистана»)

- ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**
ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА
- МУАССИС:**
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
- БУПИМЛАР:**
 Мафқура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
 Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36
 Иқтисодий — 133-21-43, 136-57-22.
 Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
 Халқаро ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
 Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
 Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
 Санъат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
- Факс — 133-38-55, 133-73-43

- ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
- Андижонда — 25-16-16;
 Бухорода — 23-51-40;
 Гулистонда — 25-16-22;
 Жиззахда — 3-29-44;
 Навоийда — 3-39-20;
 Наманганда — 6-43-43;
 Нукусда — 222-70-12;
 Самарқандда — 35-20-54;
 Тошкентда — 133-76-04;
 Урағанда — 6-51-35;
 Фарғонда — 24-46-84;
 Қаршида — 3-25-79;
 Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИПАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
 Ҳайдар НОСИРОВ,
 навбатчи
 Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета
 «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмахонаси.
 Корхона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттиш тартибин №00004
 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 27.360 нисхада босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ.
 «Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

Г — 0177

Босишга топшириш вақти — 21.00.
 Топширилди — 22.50.
 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҚўЛ ГИЛАМИ Тўқувчилари

Қўл гилами тўқишда тажрибага эга бўлган, қўл гилами тўқиш бўйича билим бериш қобилиятига эга

■ УСТОЗ Тўқувчилар
 ■ УСТАЛАР
 Тугун отиш малакасига эришган ва ўз маҳоратини муттасял ошириб бориш қобилиятига эга бўлган
 ■ Тўқувчилар

ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

- ✓ СОҲАГА ОИД БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИ МУТТАСИЯЛ ОРТТИРИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИ
- ✓ РИВОЖЛАНГАН ДУНЁ СТАНДАРТЛАРИДА ИШЛАШ ШАРОИТИ
- ✓ ЮҚОРИ МАОШЛАР ВА РАҒБАТЛАНТИРИВЧИ МУКОФОТЛАР

Тошкент шаҳрида ва пойтахтга яқин иш жойларида ишлашлари кўзда тутилган бу кишиларнинг куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади:

Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26-уй. «Демир» шўъба ширкати Бош Офиси.
 Тел.: 371-1330600, 1338148, 1321307, 1321308. Факс: 3712-406537

DM DEMIR GROUP

(ИЗОҲ: ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАН УСТА Тўқувчиларга яшаш учун жой берилади).

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
 «Голос Ўзбекистана» — 136-26-70,
 «Осиё бозори» — 133-38-55